

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Ш.М.ЗУФАРОВ

**ПЕДАГОГИК
ИННОВАТИКА**

(ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 504.75 (075)

КБК 81.5.069.11

З-44

З-44 Ш.Зуфаров. Педагогик инноватика. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 140 бет.

ISBN 978–9943–10–771–7

Мазкур ўқув қўлланмада педагогик инноватика педагогиканинг алоҳида соҳаси эканлиги, инновация ва унинг турлари, педагогик инновация ва унинг ўзига хосликлари, инновацион жараёнларни бошқариш, ўқитувчининг инновацион фаолияти ва инновацион салоҳиятини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Қўлланманинг муҳим жиҳатларидан бири – ўзида ҳам назарий, ҳам амалий машғулот ишланмаларини акс эттирганлигидадир.

Қўлланма педагогика олий ўқув юр்தларининг педагогика ва психология бакалавриат йўналиши талабалари ҳамда магистрантлари учун мўлжалланган. Шу билан бирга, мазкур ўқув қўлланмадан педагогика соҳасида фаолият юритувчи барча мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

У.И.Иноятов – педагогика фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Ш.Қ.Мардонов – педагогика фанлари доктори, профессор;

Б.Х.Ходжаев – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент давлат педагогика университети илмий Кенгашининг 2012 йил 21 июндаги 10-сонли қарори билан нашр қилинди.

ISBN 978–9943–10–771–7

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

НОВАТОР-ПЕДАГОГЛАР ТАЙЁРЛАШГА ДОИР ҚЎЛЛАНМА (СЎЗ БОШИ ЎРНИДА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида ҳозирги кунда дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтадилар: “Бугунги кунда умумий эътирофга кўра, ХХІ аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгилаш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиш мумкин”¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълим тизимини такомиллаштиришга доир Қарорида ўқув машғулотилари жараёнида таълимнинг кейс-стади, лойиҳа ва ўйин услубларидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур ҳолат педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак педагогларни инновацияларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш фаолиятига тайёрлаш мақсадида педагогик инноватика фанини ўқитишни шарт қилиб қўймоқда.

¹ Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. // “Маърифат” газетаси, 2012 йил.

Юқоридаги ижтимоий заруриятдан келиб чиққан ҳолда, педагогика фанлари номзоди Ш.Зуфаровнинг нашрга тайёрлаган “Педагогик инноватика” номли ўқув қўлланмаси бугунги кунда олий таълим жараёнини ташкил этишга қўйиладиган замонавий талабларни акс эттирган ҳолда, ҳам назарий, ҳам амалий машғулотларни ташкил этиш тизимини ўз ичига қамраб олган.

Б.Ходжаев,
педагогика фанлари номзоди, доцент

ПЕДАГОГИК ИННОВАТИКА – ПЕДАГОГИКАНИНГ АЛОҲИДА СОҲАСИ СИФАТИДА

Педагогик инноватиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш шарт-шароитлари. Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумҳамжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур. Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Чунки таълим ҳам ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар ортидан бориши ҳамда унинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши керак. Бироқ жамият ривожланиши ва таълим тизими ўртасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан фарқланади. Таълим барча фаол ва суст ўзгаришлар таъсирини қабул қилавермайди, жамиятда бўлаётган воқеаларга эса ўз таъсирини ўтказди. Ана шу нуқтаи назардан таълимдаги ўзгаришлар фақатгина натижа сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиш шартидир¹.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бундай шароитда, юқори малакали педагогларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва

¹ Қаранг: Альджанова И.Р. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик инновациялардан фойдаланиш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012.

психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади¹.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси – педагогик инноватика жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Новаторлик ва янгилик – маданият, таълим ва умумийликда жамият ривожланишининг икки жиҳати. Анъаналар ва янгиликларнинг хилма-хил муносабатларига таяниб, маданиятшунослар жамиятни анъанавий ва замонавийга ажратиб кўрсатишади. Анъанавий жамиятда анъана новаторлик устидан ҳукмронлик қилади. Замонавий жамиятларда эса, новаторлик базали қадрият саналади.

“Инноватика” тушунчаси бундан 100 йил аввал маданиятшунослик ва лингвистикада маданий диффузия, яъни бир маданий ареалнинг бошқа ҳудудга тарқалишини асослаб бериш жараёнида пайдо бўлган.

“Инновацион жараёнлар” тушунчасининг тўлиқ тавсифи XX асрнинг бошларида, аниқроғи 1911 йилда иқтисодиётчи И.Шумпетер томонидан иқтисодий тизимлардаги ўзгаришларни таҳлил қилишнинг “янги комбинацияси”ни таҳлил қилиш жараёнида тақдим этилган.

1930 йилларда И.Шумпетер ва Г.Меншлар янги технология ёки маҳсулотдаги илмий кашфиётни тавсифловчи “инновация” тушунчасини фанга киритишган. 1970 йилларда замонавий постиндустриал дунёнинг ривожланиш векторини аниқлаб берувчи “инновацион жамият” тушунчасининг пайдо бўлиши янгиликлар киритиш ҳақидаги фаннинг мураккаб, кенг тарқалган соҳага айланишига сабаб бўлди.

¹ Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2007. – Б.3

Педагогик инновацион жараёнлар Фарбий Европада 1950 йилларда, Россияда 1980 йилларда ҳамда Ўзбекистонда 2000 йилларда махсус ўрганиш предметига айланди. Бугунги кунда педагогик инноватика таълим соҳасидаги инновацион жараёнларнинг уч асосий элементи: педагогик янгиликларни яратиш; уларни амалиётга жорий этиш ва ўзлаштириш; қўллаш ва кенг ёйишнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фан сифатида эътироф этилади.

Бугунги кунда эса, мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда Республикамизда инновацион лойиҳалар тизимининг йўлга қўйилганлиги, инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион бошқариш соҳаларида қатор тадқиқот ишларининг амалга оширилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Педагогик инноватиканинг моҳияти, мақсад ва вазифалари. Педагогик инноватика деганда, педагогик янгиликларни яратиш, уларнинг педагогик жамоа томонидан ўзлаштирилиши ва баҳоланиши, улардан амалиётда фойдаланиш жараёнларини ўрганиш тушунилади.

Педагогик инноватика бу – педагогик инновацияларнинг юзага келиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганадиган, шунингдек, педагогик анъаналар билан келажакдаги таълим лойиҳаларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган фандир.

Педагогик инноватиканинг объекти – бу инновацияларнинг юзага келиши, ривожланиши ҳамда ўқувчиларга таълим-тарбия беришда сифат ўзгаришларига олиб келувчи инновацияларнинг ўзлаштирилиши жараёни.

Педагогик инноватиканинг предмети – бу таълим амалиётида педагогик янгиликларни ишлаб чиқиш, киритиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ педагогик шарт-шароитлар, восита ва қонуниятлар йиғиндиси.

Педагогик инноватиканинг мақсади педагогик янгиликларни яратилиши, уларнинг баҳоланиши ҳамда педагоглар жамоаси томонидан ўзлаштирилиши, шу билан бирга уни амалиётда қўллаш ва фойдаланиш йўллари тадқиқ этишдан иборат.

Педагогик инноватиканинг методологиясини педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва қўллаш ҳақидаги таълимнинг тузилиши ва ўзлаштирилишига хос билим ва фаолият тизими ташкил этади.

Педагогик инноватиканинг назарий блоклари

1. Педагогик неология (илмий-педагогик жараён, унинг ўзига хосликлари ва асосий натижалари ҳақидаги илмий ва тажрибавий маълумотлар тизимлаштириладиган педагогикадаги янгилик ҳақидаги таълимот).

2. Қиёсий педагогик аксиология (педагогика назарияси ва амалиётида юзага келадиган педагогик янгиликларни баҳолаш ва ўзлаштиришнинг ўзига хосликларини очиқ берувчи фан).

3. Инновацион праксиология (педагогик янгиликларни амалиётда қўллашни ўзлаштириш).

Педагогик инноватиканинг асосий тушунчалари:

1) инновация; 2) педагогик янгилик, янгилик киритиш; 3) инновацион жараён; 4) инновацион фаолият; 5) инновацион салоҳият.

Одатда, янгиланиш тушунчаси таълимда кўп ҳолларда ўзгартириш тушунчаси билан синонимдир. Агар ушбу ўзгартириш кенг қамровли бўлса ва бутун таълим тизимини ўзгартирса, унда «ислоҳот» тушунчаси билан изоҳ-ланади. Лекин барча ўзгаришларни янгилик деб қараш тўғри бўлмайди. Чунки янгилик ўзида аввал бошидан оқ қўйилган вазифаларнинг янгиланишини мақсад қилиб қўяди.

Педагогик инноватиканинг асосий кўрсаткичи унинг бошланғич ривожига боғлиқ бўлиб, педагогикадаги **янгилик** – бу фақатгина ғоя, ёндашув, метод, технология, шунчаки тақдим этилган ва ҳали фойдаланилмаган ҳолатдаги эмас, балки бу инновацион жараённинг мажмуавий ва алоҳида таркибий қисмидир, у эса ўзида ўзгарувчан шароитларда ва ҳолатларда таълим-тарбия масалаларини етарлича самарали ҳал этишни ифода этади.

Инновация эса – бу маълум бир босқич асосида ривожланадиган жараёндир. У бир нечта маънодаги тушунчаларни беради:

1. Инновация бу – таълимнинг янги мазмуни, шакл ва методларини ишлаб чиқиш.

2. Яратилган педагогик тизимни жорий этиш ва оммалаштириш.

3. Таълим муассасасини бошқариш ва ривожлантиришнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш.

4. Таъриба-синов объекти сифатида.
5. Яхлит педагогик жараёни инновациялаш.
6. Янгиликларнинг қўлланилиш даражасини янги маҳсулдорликлар билан ўзгартириш босқичи.

Таълим соҳасидаги мавжуд ёки янги эҳтиёжларни қондириш учун педагогик янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва фойдаланишга доир фаолият инновацион жараёндир.

Инновацион фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи кучдир. Инновацион фаолият – бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги қўлланилаётган меъерининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келувчи мажмуали муаммоларнинг ечимига қаратилган фаолиятдир.

Инновацион салоҳият деганда, алоҳида педагогнинг ва яхлитликда педагогик жамоанинг янгиликни ўзлаштиришга тайёрлиги, улардан амалиётда фойдалана олиши ва кутилган натижаларни қўлга кирита олиши тушунилади. Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади: кенг маънода – таълим муассасасининг инновацион салоҳияти, тор маънода – ўқитувчининг инновацион салоҳияти. Таълим муассасасининг инновацион салоҳияти деганда, унинг ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахсининг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимий муҳитнинг ва шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги ҳамда коммуникатив муносабатларнинг юқори даражаси тушунилади. Алоҳида педагог учун эса, бу – унинг шахсидаги ижтимоий-маданий ва ижодий ўзига хосликлар йиғиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги ҳамда бунинг учун зарурий ички восита ва методларнинг мавжудлигидир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жамият ривожланиши нуқтаи назаридан новаторлик ва анъанавийлик тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. “Инноватика” тушунчаси бундан юз йил аввал пайдо бўлган деб изоҳлашади. Мазкур изоҳга аниқлик киритинг.

3. “Инновацион жараёнлар” тушунчасининг тўлиқ тавсифи ХХ асрнинг бошларида ишлаб чиқилган, дейишади. Мазкур фикрга аниқлик киритинг.

4. “Инновация” тушунчасининг илмий амалиётга киритилишини изоҳлаб беринг.

5. “Инноватика – фанлараро тадқиқот соҳаси” тушунчасини изоҳланг.

6. Қандай жараён 1970 йилларда янгиликлар киритиш ҳақидаги фаннинг мураккаб, кенг тарқалган соҳага айланишига сабаб бўлди?

7. Педагогик инновацион жараёнлар қачон Ғарбий Европада, Россияда ҳамда Ўзбекистонда махсус ўрганиш предметига айланганлигига изоҳ киритинг.

8. Россияда сўнгги 20 йилда таълим соҳадаги янгиликлар киритиш муаммоси билан шуғулланиб келаётган педагог-психологларни санаб беринг (камида ўнта).

9. Бугунги кунда педагогик инноватика таълим соҳасидаги инновацион жараёнларнинг уч асосий элементи бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фан сифатида эътироф этилади. Мазкур фикрни изоҳланг.

10. Педагогик инноватика педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланаёпти, деган фикрни изоҳланг.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар

1. Омонов Н.Т., Хўжаев Н., Мадярова С., Эшчонов Э. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009.

2. Ангеловский К. Учителя и инновации. Пер. с македонского. – М.: «Просвещение», 1991.

3. Поляков С.Д. В поисках педагогической инноватики. – М.: 1993.

4. Поташник М.М. Инновационные школы России: становление и развитие. Опыт программно-целевого управления: Пособие для руководителей общеобразовательных учреждений / Вступит. ст. В.С.Лазарева. – М.: «Новая школа», 1996.

5. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: Инновационная деятельность. – М.: «Магистр», 1997.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/656> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/656> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/656>